

Д.М. Маткаримов,
катта илмий ходим-изланувчи, ЎЗР БМА

МОЛИЯВИЙ ҲИСОБОТ АХБОРОТИНИНГ СИФАТИ ВА САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШДА ХАРАЖАТЛАРНИ КОМПЛЕКС БАҲОЛАШ ТИЗИМИНИНГ ЎРНИ

В статье рассмотрены значение и направления повышения эффективности системы комплексной оценки затрат в процессе подготовки и представления качественной информации финансовой отчетности, повышения качества и эффективности учетной информации.

The article discusses the importance and the directions of raising the effectiveness of the integrated assessment of costs in the preparation and presentation of quality financial statements and improving the quality and efficiency of accounting information.

Калитли сўзлар: харажат, баҳолаш, фойда, иқтисодий самарадорлик, фонд бозори, капитал, ҳисобот.

Ўзбекистон Республикасининг “Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида”ги қонунида “Бухгалтерия ҳисобининг мақсади фойдаланувчиларни ўз вақтида тўлиқ ҳамда аниқ молиявий ва бошқа бухгалтерия ахбороти билан таъминлашдир[1]” деб кўрсатилган. Жамият тараққиётининг замонавий босқичи давлатлараро ва минтақалараро даражада ишончли интеграциялашув ва глобализация жараёни, сиёсат, иқтисодийёт ва техниканинг тубдан қайта шаклланиши, ҳамда ижтимоий-иқтисодий жараёнларнинг барча жабҳаларини жадаллашуви билан тавсифланади. Бу хўжалик юритувчи субъектларнинг ўз вақтида зарур ва керакли маълумотларга асосланган ҳолда стратегик ва жорий бошқарув қарорлари қабул қилиш имкониятини яратадиган ахборотнинг ишлаб чиқариш омили сифатидаги ролининг ошиб бораётганлигини кўрсатади.

Ҳозирги пайтда самарали иқтисодий тараққиётга эришиш учун ихтиёрий хўжалик юритувчи субъект – давлат корпорациясидан тортиб оддий якка тадбиркоргача – ўз молиявий ҳолати, хўжалик фаолиятининг натижалари, пул оқимлари ҳаракати ҳолати ҳамда келажакда унинг айрим хўжалик юритувчи субъектларда ўсиши ҳақида тасаввурга эга бўлиши, шунингдек, рақобатчи, ҳамкор корхоналар ва бошқа алоқадор корхоналар гуруҳлари фаолияти ҳақидаги ахборотга эга бўлиши керак. Лекин, бу ҳам самарали бошқарув қарорларини асослаш учун етарли бўлмайди. Чунки, хўжалик юритувчи субъект булардан ташқари фонд бозоридаги, меҳнат ва капитал бозоридаги ҳолат, товар бозорининг таъминланганлиги ва ҳолати ҳақидаги, шунингдек, бизнеснинг турли тармоқларидаги техника ва технологиянинг ҳолати ҳақидаги маълумотларга ҳам эҳтиёж сезади. Бу ўз навбатида молиявий ҳисобот ахбороти сифатини баҳолаш ва уни ошириш тўғрисидаги саволни қўйишнинг муқаррарлиги ва муҳимлигини белгилаб берди.

Ҳозирги вақтда молиявий ҳисоботни тайёрлаш ва уни долзарблигини ошириш ҳар бир мамлакат учун устувор йўналишлардан биридир. Молиявий

ҳисобот ахбороти иқтисодий ахборот тизимида муҳим, ҳал қилувчи ўрин эгаллайди.

Ўзбекистонда иқтисодий ислоҳотлар жараёнида бухгалтерия (молиявий) ҳисобини ислоҳ қилиш жараёнига катта эътибор қаратилди, бу эса ҳисоб ахборотининг бухгалтерия ахборотидан фойдаланувчилар эҳтиёжларини қондира оладиган, иқтисодий ахборотнинг бошқа шаклларида – ошкоралик ва ишончлилиқ даражасига кўра асосли устунлик қилувчи хусусиятларини ўзида мужассамлаштирган ахборотни олиш имконини яратди.

Бозор иқтисодиёти шароитида ҳисоб ахбороти иқтисодий ахборотнинг энг муҳим ажралмас қисми даражасига чиқиш имконияти мавжуд. Буни амалга ошириш ўз ҳисоб ахборотининг таркиби ва сифатига ҳамда ушбу ахборотнинг бошқа турдаги ахборотлар билан интеграциялашуви билан боғлиқ бўлиб, биринчидан, кўпроқ бошқарув ҳисоби ахбороти билан, иккинчидан, статистик, ижтимоий, экологик каби ахборотлар билан боғлиқ.

Хўжалик алоқаларининг фаоллашуви ва интеграциялашуви, хўжалик юритувчи субъект бўлимларининг турли давлатлар ва минтақаларда иш олиб бориши, бозор конъюнктурасининг тезкорлик билан ўзгариб бориши таваккалчилиқни баҳолашга, бозордаги жараёнларни башоратлашга ва ҳар хил жараён ва ҳолатларни баҳолашга катта эътибор қаратишни талаб қилади. Бу ўз навбатида қарорларни асослаш йўлларини ўзгартириб, бу жараёнда нафақат ҳисоб балки бошқа турдаги иқтисодий, ижтимоий, экологик, илмий-техникавий ва сиёсий ахборотлардан фаол фойдаланишга олиб келмоқда.

Фойдаланувчиларга тақдим қилинадиган ахборотга, жумладан молиявий ҳисоботларга талаб доимо ошиб бормоқда. Фонд бозорларининг ривожланиши, инвестицияларнинг ўсиши, иқтисодиётнинг глобаллашуви, коммуникация воситаларининг мисли кўрилмаган даражада ўзгариб, тараққий қилиб бориши иқтисодий жараёнлар қатнашувчиларидан зарур (айрим ҳолларда унчалиқ аниқ бўлмаса-да) ахборот беришни талаб қилади. Шу билан бирга, асосий муаммо ахборотларнинг, шу жумладан ҳисоб ахборотининг фойдаланувчиларнинг эҳтиёжларига мос келиши ҳисобланади. Корхоналарнинг молиявий ҳисоботларидан иборат умумфойдаланишдаги ахборотлар фойдаланувчилар томонидан қарор қабул қилиш жараёнига таъсир кўрсатади.

Корхона ҳисоб сиёсатини ишлаб чиқиш ва қўллаш ҳам башоратлаш билан боғлиқ. Ҳисобнинг халқаро стандартларида ҳам қатор ҳолатларда мажбурий тарзда келгуси воқеалар тўғрисидаги тахминлар билан боғлиқ ҳисоб-китоблар – дисконт қийматдан фойдаланиш белгилаб берилган. Шундай қилиб, бугунги кунда молиявий ҳисоб бухгалтерлардан келажакни башорат қилиш имконини берувчи ахборотни тайёрлашни талаб қилмоқда. Молиявий ҳисоботларнинг халқаро стандарти ривожланишининг умумий тенденциясига мувофиқ ҳақиқий қиймат бўйича баҳолаш соҳаси кенгайиб, тарихий қиймат бўйича баҳолаш соҳаси торайиб бормоқда.

Молиявий ва бошқарув ҳисобларини бирлаштирувчи умумий ғоя сифатида уларнинг умумий моҳияти – ҳисобнинг корхонани бизнесда муваффақиятга эришиш воситаси эканлиги чиқмоқда. Молиявий ҳисобни юритишнинг асосий мақсади ишончли молиявий ҳисобот ахборотини олиш ва

уни фойдаланувчиларга тақдим қилишдан иборат. Молиявий ҳисоб олдида глобал мақсад – фойдаланувчиларни қарор қабул қилиш жараёнида уларга ахборот кўмаги кўрсатиш воситасида, жамият иқтисодий фаолияти самарадорлигини оширишга ёрдам беришни кўяди. Аммо бу билан айрим корхона доирасида бутун рақобат кураши бўйича устунлик қилиш мақсади ўз маъносини камайтирмайди. Рақобат курашидаги устунлик танланган стратегиянинг тўғрилиги ва уни ҳаётга татбиқ қилишнинг мослиги билан боғлиқ. Шундай қилиб, компания стратегияси молиявий ва бошқарув ҳисобларини боғловчи звено сифатида кўриб чиқилиши лозим. Бир томондан бошқарув ҳисобига янгича ёндашув корхона томонидан харажатлар тўғрисидаги ахборотни стратегик режалаштириш ва стратегияни амалга оширишни назорат қилиш учун қўллашни кўзлайди. Бошқа томондан, компания молиявий ҳисоботини амалга оширилган ва режалаштирилаётган стратегиянинг ахборот тасвири сифатида талқин қилиш керак.

Шундай қилиб, бошқарув ва молиявий ҳисоблар орасидаги – биринчидан ички фойдаланувчиларга, иккинчидан эса ташқи фойдаланувчиларга мўлжалланганлиги доирасидаги фарқ бартараф бўлмоқда. Ушбу жараёнлар бир томондан, бошқарув ҳисоби концепциясининг ўзгариши, унинг стратегик ёндашувга мўлжалланганлиги билан, бошқа томондан эса – молиявий ҳисобот ишончилигини ошириш зарурати, унинг фойдаланувчиларнинг ошиб бораётган талабларига яқинлашиши билан боғлиқ. Анъанавий бошқарув ҳисоби соҳасига тегишли бўлган маълумотлар ахборотдан ташқи фойдаланувчиларнинг қизиқишлари предметини ташкил қилади. Бу жараён молиявий ҳисоб ахборотининг кенгайиши сифатида тавсифланиши мумкин.

Корхонанинг молиявий ҳисобот сифатини оширишга харажатларини уларнинг *мақсадли йўналганлиги* бўйича қуйидаги учта гуруҳга туркумлаш мумкин [2]:

1. *Сифатсиз молиявий ҳисобот ахбороти вужудга келишини олдини олиш харажатлари:*

- ҳисоб жараёнларини комплекс автоматлаштириш ва замонавий дастурий таъминотдан фойдаланиш;
- ҳисоб ходимларини ўқитиш ва малакасини ошириш;
- мажбуриятларни ҳисоб ходимлари ўртасида оқилона тақсимлаш ва уларнинг меҳнатларини самарали рағбатлантириш;
- самарали ички аудит хизматини ташкил қилиш;
- ҳисоботларни корпоратив Интернет сайтларида чоп қилиш учун расмийлаштириш.

2. *Ҳисобот сифатини баҳолашга сарфлар:*

- корхона ички аудити ва бухгалтерия ҳисоби тизимининг самарали ишлашини таъминловчи методларни ишлаб чиқиш;
- молиявий ҳисобот ахборотининг юқори сифатини таъминлаш бўйича тадбирларни режалаштириш;
- молиявий ҳисобот ахбороти сифатига фойдаланувчиларнинг фикри тўғрисида ахборотларни йиғиш;
- ахборотнинг фойдалилиги, очиқлик чегараси ва маълумотларни тақдим

қилишнинг асл шаклини тавсифловчи параметрлар доирасида ахборотни ўзлаштирувчанлик даражасини ошириш тажрибаларини жалб қилиш мақсадида бошқа корхоналарнинг молиявий ҳисоботларини ўрганиш.

3. Молиявий ҳисоботлардаги ҳақиқатдан четга чиқишларни ва дастлабки вариантларни тузатиш сарфлари:

- йўл қўйилган жиддий хатоларни корхона томонидан мустақил равишда тузатиш;

- топилган хато ва камчиликларни тузатиш бўйича мос маслаҳат берувчи ва аудиторлик фирмаларининг хизматлари;

- молиявий ҳисоботнинг паст сифати билан боғлиқ, асосланган суд даъволари бўйича тўловлар, жарималар.

Биринчи мезон тўғрисида қуйидагиларни таъкидлаш лозим: бу гуруҳ харажатларини (молиявий ҳисобот сифатини ошириш барча харажатлари каби) бутун корхонага тегишли бўлган бухгалтерия ҳисобини ташкил қилиш бўйича харажатлар билан ва бевосита молиявий ҳисобот тузиш жараёнига тегишли бўлган харажатлар айрим ҳолда аниқланиши лозим. Уларни ҳисоблаш унчалик қийинчилик туғдирмайди, чунки корхонанинг бундай харажатларининг асосий қисмини бухгалтерия хизмати ва ички аудит хизматларининг кундалик харажатлари ташкил қилади. Шунга қарамасдан бундай ҳолатда сарфларнинг умумий ҳажмини топиш учун бухгалтерия ва ички аудит хизмати томонидан амалга оширилган харажатлар суммасини корхонанинг бошқа бўлимларида амалга оширилган ва ҳисоботлар тайёрлаш бўйича (бундай сарфларга ҳуқуқшунослик, маркетинг, режалаштириш ва бошқа бўлимларнинг мос сарфлари киради) меъёрий иш фаолиятини таъминлашга йўналтирилган харажатлар миқдорига қўпайтириш зарурати вужудга келди. Корхоналардан харажатларни тоифа кесимида тўғри аниқлаш ва уларни ўзгариш таҳлилини ўтказиш талаб қилинади.

Харажат мезонлари ўртасидаги ўзаро боғлиқликни ўрганиш шуни кўрсатадики, биринчи тоифа (олдини олиш, бартараф қилиш сарфлари) сифатига сарфларни ошириш бошқа тоифаларга сарфларни сезиларли пасайтириш имконини беради. Бу ўз навбатида, келгусида молиявий ҳисоботнинг юқори сифатини сақлаш ва шу вақтнинг ўзида умумий сарфларни пасайиши учун имкониятлар очиб беради. Шунга қарамасдан, шубҳасиз бу соҳада бир неча корхонанинг етарлича давомли бўлмаган вақт оралиғидаги фаолияти мисолида, ҳамда уларнинг ҳозирги вақтда мавжудлиги ва келажакда янада аниқроқ кўринишини кўзлаш мантиқли бўлсада, шубҳасиз, бу ҳали қонуният келтириб чиқариш тўғрисида гапириш имконини бермайди. Ушбу фикрнинг тасдиғи учун семантик яқин соҳа - маҳсулот сифатини ошириш масаласига эътибор қаратиш лозим. Маҳсулот сифатини оширишга қаратилган харажатлар хусусиятининг эмперик қоидаларидан бири шундай, бракни олдини олишга қилинган сарфлар ички ва ташқи бракни тузатишга қилинадиган харажатларга қараганда ўн мартадан иқтисод қилиш имконини беради[3]. Кўплаб хўжалик юритувчи субъектларнинг узоқ вақт оралиғида тажрибаси таҳлили кўрсатадики, маҳсулотнинг юқори сифат даражасига эришилганда, ҳақиқатда сифат харажатларини аста-секинлик билан сезиларли даражада пасайтиришга эришиш

мумкин[3].

Бугунги кунда корхоналарнинг сифатли молиявий ҳисобот тузиши ва тақдим қилишдан бевосита нафдан ташқари, уларга тақдим қилинадиган ҳисоботнинг сифатини оширишдан қўшимча билвосита нафни чиқариш имконини беради[2]. Бундай билвосита нафлар икки гуруҳга бўлиниши мумкин:

а) умумий инвестицион муҳитнинг яхшиланиши билан асосланган нафлар;

б) корхоналарда юқори даражали сифатли ахборот ресурсларини қўллаш имкониятидан вужудга келадиган нафлар.

Компанияларнинг молиявий ҳисобот ахбороти сифатини оширишга сарфлари самарадорлигини аниқлашда молиявий ҳисобот ахбороти сифатининг ошишидан нафни ҳисоблаш кўпроқ муҳим ва қийиндир.

Молиявий ҳисобот сифатини ошишидан корхона оладиган нафнинг шартли ўртача қийматини миқдорий баҳолаш учун эксперт баҳолаш методини қўллаш мақсадга мувофиқ. Экспертлар сифатида корхона менежерлари ҳам, соҳанинг жалб қилинган мутахассислари ҳам чиқиши мумкин.

1-жадвал

Нафнинг шартли ўртача катталигини миқдорий баҳолашни аниқлаш учун ишлатиладиган кўрсаткичлар қиймати ва оғирлиги¹

Кўрсаткичлар	Кўрсаткичларнинг мумкин бўлган қиймати	Балл λ _i	Оғирлик ω _i
1	2	3	4
Ҳисобот даврида шубҳасиз ижобий аудиторлик хулосасини олиш	Ўтган даврда олинган аудиторлик хулосаси: Фикр билдиришни рад қилиш; Салбий; Шартли ижобий; Шубҳасиз ижобий	10 9 7 2	0,20
Акция қийматининг ўсиш суръати	Юқори; Ўртача; Паст	10 5 1	0,20
Солиққа тортилгунга қадар фойданинг ўсиш суръати	Юқори; Ўртача; Паст	10 5 1	0,20
Бой берилган наф ҳажмининг ўзгариши	Ўтган ҳисобот даврида мавжуд бўлган бой берилган нафнинг йўқлиги; Ўтган ҳисобот даври билан таққослаганда камайиш: 50 % дан ортиқ; 50 % дан 25 % гача 25 % дан кам	10 9 6 3	0,10

¹ Хорижий адабиётлар асосида республикамиз учун муаллиф томонидан ишлаб чиқилган

1-жадвалнинг давоми

1	2	3	4
Олинмаган кредитлар суммасининг ўзгариши	Ўтган ҳисобот даврида мавжуд бўлган бой берилган нафнинг йўқлиги; Ўтган ҳисобот даври билан таққослаганда камайиш 50 % дан ортиқ; 50 % дан 25 % гача 25 % дан кам	10 9 6 3	0,10
Корхоналар учун кредит ставкаси ўсиш суръати	Ўсиш кузатилмаяпти; Паст; Ўртача	10 6 1	0,08
Пул оқимлари ҳолатининг ўзгариши	Пул оқимлари ҳолатининг яхшиланиши; Аввалги даражани сақлаб туриш	10 4	0,06
Компанияни нуфузли агентликлар рейтингига кўшиш	Рейтингга киритиш; Рейтингнинг ошиши Рейтингни сақлаб туриш	9 10 4	0,04
Ходимлар кўнимсизлиги	Пасайиш; Сақлаб туриш	10 1	0,02
Жами	-	-	1,00

Баҳолаш жараёнини ўтказиш учун биринчи босқичда ушбу корхонанинг ўзига хос, нисбатан муҳимроқ кўрсаткичларини танлаб олиш керак. Уларнинг сони жуда катта бўлиши мумкин эмас. Иккинчи босқичда ҳар бир танлаб олинган кўрсаткичлар қиймати фойдалилик даражаси бўйича тартибга солинади ва меъёрланади, яъни, ҳар бир қийматга 1 дан 10 гача бўлган маълум балл (λ_i) берилади. Бир вақтнинг ўзида, эксперт йўли билан кўрсаткичларга ҳисобот сифатининг ошишидан баҳолашга аниқ бир кўрсаткичнинг таъсири улушини акс эттирувчи ўз оғирлиги (ω_i) берилади. Оғирлик йиғиндиси 1 га тенглаштирилади. Бешинчи босқич ҳар бир кўрсаткич ва унинг оғирлиги кўпайтмасининг йиғиндисини топиш йўли билан нафнинг шартли ўртача қийматини топишдан иборат:

$$P = \sum \lambda_i \omega_i$$

Нафнинг шартли ўртача қиймати максимал миқдори 10 га тенг.

Молиявий ҳисобот сифати ошишидан корхона оладиган нафни шартли ўртача қийматини миқдорий баҳолаш методикаси 1-жадвалда келтирилган.

Олинган катталиқни шархлаш учун 2-жадвалда келтирилган баҳолаш шкаласидан фойдаланиш таклиф қилинади.

2-жадвал

	Наф йўқ	Минимал	Қониқарли	Юқори	Максимал
Наф катталигининг шартли ўртача миқдори оралиғи	0	0,1-2,5	2,5-5,0	5,1-7,5	7,6-10,0

Умумий ҳолда ҳисобот ахбороти сифатини ошириш бўйича тадбирлар самарадорлигини мос жатлар функцияси сифатида тасвирлаш мумкин:

$$\Delta H = f(Z).$$

Бу ерда ΔH – ҳисобот ахбороти хусусиятларини яхшилаш бўйича фаолият натижаси бўлиб, унда фойдаланувчи учун кўпроқ фойдалилиги ва натижада ҳамкорлик ва инвестициялаш учун объект сифатида корхона жозибadorлиги ифодаланади (акс ҳолда натижа молиявий ҳисобот сифатини оширишдан корхона оладиган нафнинг ўсиши каби ёки нафнинг шартли ўртача қийматининг ўсиши каби аниқланиши мумкин)

Z – молиявий ҳисобот сифатини оширишга корхонанинг сарфлари.

Ҳисобот сифатини оширишга сарфланган қўйилмалар самарадорлигини баҳолаш учун, биз томонимиздан ишлаб чиқилган «нафлар-сарфлар» ўзаро нисбатини аниқлаш аппаратини қўллаш лозим бўлиб, у қуйидагиларни ўз ичига олади:

- сарфлар классификатори;
- наф кўрсаткичлари тизими;
- сарф ва наф боғлиқлик алгоритми;
- наф кўрсаткичини баҳолаш ранг тизими;
- наф шартли ўртача қийматини шарҳловчи баҳолаш шкаласи;
- самарадорлик кўрсаткичлари хусусиятини шарҳлаш механизми (1-чизма).

Аввал таъкидлаб ўтганимиздек, кўрсаткичлар динамикаси таҳлили асосида ишончли хулосалар чиқариш фақатгина кўриб чиқиладиган муаммони узоқ вақт давомида ўрганиш орқалигина имкони бор, шундай экан, компания томонидан ҳисобот сифатини оширишга сарфланган маблағлар самараси бир зумда (моментальный) кўринмайди. Дастлабки босқичда сифатни оширишга сарфларнинг бутунча ва олдини олишга сарфларнинг қисман ошиб кетиши 3-жадвалнинг 1, 2, 3, 4, 6 қаторларда турган самарадорлик кўрсаткичларининг тескари таъсирини кўрсатиши мумкин.

3-жадвал

Самарадорлик кўрсаткичлари хусусиятларини шарҳлаш

№	Кўрсаткичлар	Кўрсаткичлар динамикаси ижобий тенденцияси
1	2	3
1.	Наф шартли ўртача миқдорининг молиявий ҳисобот сифатини оширишга сарфларга нисбати	Ўсиш
2.	Наф шартли ўртача миқдорининг олдини олиш сарфларга нисбати	Ўсиш
3.	Умумий сарф сиғими (молиявий ҳисобот сифатини ошишига сарфларнинг наф шартли ўртача миқдorigа нисбати)	Пасайиш
4.	Олдини олишга сарфлар бўйича сарф сиғими (олдини олиш сарфларининг наф шартли ўртача қийматига нисбати)	Пасайиш
5.	Сифатсиз молиявий ҳисобот ахбороти пайдо бўлишини олдини олиш сарфларининг ҳисобот сифатини оширишга умумий харажатлар умумий суммасида солиштирма ҳиссаси	Ўсиш
6.	Ҳисобот тузишга ва унинг сифатини оширишга умумий сарфларнинг корхона умумий сарфларидаги солиштирма улуши	Пасайиш

3-жадвалнинг давоми

1	2	3
7.	Дастлабки ҳисобот шакллари ва улардаги ноаниқликларни тузатишларга сарфларнинг ҳисоботни тузиш ва уни сифатини оширишга умумий сарфлардаги солиштирма улуши	Пасайиш
8.	Солиққа тортиладиган фойданинг молиявий ҳисобот сифатини оширишга сарфларга нисбати	Ўсиш
9.	Солиққа тортиладиган фойданинг ҳисобот тузиш ва унинг сифатини оширишга сарфлар суммасига нисбати	Ўсиш
10.	Акция бозор қиймати ошишининг молиявий ҳисобот сифатини ошириш сарфларига нисбати	Ўсиш
11.	Рентабеллик кўрсаткичларининг молиявий ҳисобот сифатини ошириш сарфларига нисбати	Ўсиш
12.	Ҳисобот тузишнинг тезкорлиги	Пасайиш
13.	Компания корпоратив бошқарув мақсадларида молиявий ҳисоботдан фойдаланиш	Ишлатиш фаоллигининг ошиши
14.	Матбуотда чоп қилинган ижобий нашрларнинг молиявий ҳисобот ахбороти сифатини оширишга сарфларга нисбати	Ўсиш

Манба: Муаллиф томонидан тузилган.

Бундай шаклда аниқланган наф суммаси, унинг таърифида кўрсатилганидек етарлича шартли хусусиятга эга бўлсада, ўзлаштириладиган макон сифатини оширишдан нафни туркумлашда биз уларни корхонанинг тўғри (бевосита) нафига киритамиз. Компания тўғри нафдан ташқари яна билвосита (эгри) наф ҳам олади. Булар орасида инвестиция бозорига ҳос бўлган энтропиянинг пасайиши; корхона менежерларида турли масалаларни ечишда, шу жумладан, ҳисобот тузиш билан боғлиқ масалаларни ечишда янада ишончлироқ ахборотдан фойдаланиш имкониятининг пайдо бўлиши кабиларни алоҳида таъкидлаб ўтиш лозим. Бизнингча, билвосита нафларни икки блокка ажратиш мақсадга мувофиқ. Биринчи блок ўз ичига иқтисодий вазиятнинг, инвестицион муҳитнинг умумий яхшиланишидан (иқтисодийнинг янада сифатли ахборот базаси сифатида) олинган билвосита нафларни ўз ичига олади. Иккинчи блокка корхона томонидан ахборот фойдаланувчиси сифатида олинадиган нафи киради. Бизнинг назаримизда бундай нафни куйидаги кўрсаткичларни ифодалайди:

- қарор қабул қилинадиган қарорлар умумий ҳажмида тўғри қарорлар улушининг ортиши;
- тўғри қарор қабул қилишга сарфланадиган вақтнинг камайиши;
- тўғри қарорлар улушининг ўсиши натижасида фойданинг ўсиши;
- тўғри қарорлар улушининг ўсиши билан бойликнинг ўсиши;
- бизнесдаги ҳамкорлик муносабатларидан, инвестицион фаолиятдан йўқотишларни пасайиши;
- «ўз вақтида» қабул қилинган тўғри қарорлар улушининг ошиши.

Билвосита нафларни аниқлаш учун эксперт баҳолаш, танлама кузатув методларини қўллаш мақсадга мувофиқ. Таъкидлаш лозимки, ушбу ҳолатда

фақатгина корхона улушига нисбатан биров четга чиққандан сўнгида ўзида молиявий ҳисобот сифатли ахборотини акс эттирувчи ва ушбу ахборот сифати ошиши даражаси муҳимлигини кўрсатувчи наф сезиларли бўлади. Шундай қилиб, корхоналар учун ўзлаштириладиган макон сифатини оширишдан умумий наф (H_y) тўғри (H_m) (бевосита) ва эгри (H_e) (билвосита) нафларнинг йиғиндисига тенг бўлади.

Аввал кўрсатиб ўтилганидек, ўзлаштириладиган макон сифатини оширишга корхонанинг умумий харажатлари (Z_y), бевосита корхонада ётадиган ($Z_{бе}$) ва корхонанинг билвосита ($Z_{бил}$) харажатларининг йиғиндисидан ташкил топади. Билвосита сарфлар катталиги аниқлаш учун ҳам тўғри санаб чиқиш (мақсадли характерга эга маблағлар йўналтирилган ҳолатда) ва ҳам пропорционал (мутаносиб) ҳисоблаш (масалан, давлат томонидан ўзлаштириладиган макон сифатини оширишга сарфланадиган маблағларда корхона солиқларининг улуши асосида) методларини қўллаш лозим.

Молиявий ҳисобот сифатини оширишга корхона умумий харажатлари самарадорлигини қуйидаги функционал боғланишлар ифодалайди.

$$\Delta H_y = f(Z_y).$$

Шу билан бирга, тузиладиган ҳисобот сифатини оширишга корхона томонидан қилинадиган сарфларнинг тузилиши ва ҳажми ва шунга мос у томонидан олинадиган наф, ва шунингдек кўриб чиқиладиган йўналишдаги корхона фаолиятининг самарадорлиги корхона таъсир доираси ва ваколатидан ташқаридаги жуда кўп омилларга боғлиқ. Ҳозирги вақтда, ахборотни ишлатишдан олинган нафнинг уни олиш учун қилинган харажатлардан ошиб кетиши ҳисоб назариясида молиявий ҳисобот ахбороти сифат хусусиятларининг компоненти сифатида кўриб чиқилмайди, балки, айрим сифат хусусиятларини чеклаш сифатида кўрсатилади. Унда, ушбу нисбатни аниқлаш ва ўлчашда анча-мунча ноҳолислик диққатни жалб қилади. Бундай нуқтаи-назар қисман МҲХСда ўз тасдиғини топган.

Ҳозирги вақтда кўпгина раҳбар ва бухгалтерлар сифатли молиявий ҳисобот ахбороти тақдим қилишдан нафни аниқлашда қийинчиликка учрамоқдалар. Бу ҳозирги вақтгача бундай нафни ўлчаш механизми яратилмаганлиги билан изоҳланади. Шунингдек, бухгалтерия хизмати раҳбарлари кўпинча молиявий ҳисобот ахбороти сифатини ошириш билан боғлиқ харажатларни тўғри аниқлай олмайдилар, чунки, бундай харажатларни тавсифлаш ва туркумлашнинг мос усуллари мавжуд эмас.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикасининг “Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида”ги Қонуни. 2-модда, 1996 йил 30 август.
2. Рожнова О.В. Финансовый учет. Теоретические основы, методологический аппарат. 2-е изд., перераб. и доп. М.: Экзамен, 2003 г.
3. Шанк Дж., Говиндараджан В. Стратегическое управление затратами / Пер. с англ. Спб.: Бизнес Микро. 1999. стр. 247-248.